

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ОТАҚУЛОВА ДИЛФУЗА АЗАМАТОВНА

**ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА НЎХАТНИНГ ЭКИШ ВА
ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

06.01.08 – “Ўсимликшунослик”

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Отақулова Дилфуза Азаматовна, Оч тусли бўз тупроқлар шароитида нўхатнинг экиш ва ўғит меъёрларининг дон ҳосилдорлигига таъсири.	3
Отақулова Дилфуза Азаматовна, Влияние норм посева и удобрений на урожайность зерна нута в условиях светлых серозем.	21
Otakulova Dilfuza Azamatovna, Influence of seeding rates and fertilizers on chickpea grain yield in light gray soil conditions.	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	44

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ И НСТИТУТИ

ОТАҚУЛОВА ДИЛФУЗА АЗАМАТОВНА

**ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА НЎХАТНИНГ ЭКИШ ВА
ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Qx820 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аманов Ойбек Анварович,
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Негматова Сурайё Тешаевна,
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Абдиев Анвар Алмирзаевич,
Кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:


Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.


Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «18» 01. соат 03⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeiti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (№ 35 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05.

Диссертация автореферати 2025 йил «03» 01. кун тарқатилади.
(2024 йил «23» 11 даги 814 рақамли реестр баённомаси).




Р.Н.Сиддиқов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.


Т.Э.Наджимов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, к.х.ф.ф.д.


С.О.Абдурахмонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш коллидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда “дунёнинг 100 га яқин мамлакатларида нўхат экилиб, йилига 14,8 млн. тоннадан ортиқ дон ҳосили етиштириб келинмоқда”¹. FAOSTAT умумжаҳон статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, дунёда нўхат етиштириш 2020 йилга (14,1 млн тонна) нисбатан 5,0 фоизга ўсиш кузатилган. Бу эса ўз навбатида “дунё аҳолиси ва озиқ-овқат саноатини нўхат дониغا бўлган эҳтиёжи йилига 1,0-1,5 фоиздан ўсиб бораётганлигини кўрсатади”². Дунё аҳолиси ҳамда озиқ-овқат саноатини нўхат дониغا бўлган эҳтиёжини бир меъёрида қондириб боришда қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига нўхатнинг серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги авлод навларини яратиш ва туманлаштирилган навлардан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларда бугунги кунда дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгариши шароитида аҳолини ҳамда озиқ-овқат саноатини сифатли ва оқсилга бой бўлган нўхат дониغا бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириб боришда нўхатнинг серҳосил, қурғоқчиликка ва табиатнинг экстремал шароитларга бардошлилиги юқори бўлган янги авлод навларини яратиш ва янги навларни минтақалар кесимида уруғ экиш муддатлари ва кўчат қалинликлари ҳамда ўсув даврида минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини ўрганиб чиқиш асносида уйғунлашган агротехнологияларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга моликдир.

Сўнги йилларда Республикамиз қишлоқ хўжалигида туб ислохатлар олиб борилиши натижасида нўхат экинини лалми майдонлардан суғориладиган майдонларга кўчириши нўхат экинидан олинаётган дон ҳосилдорлигини қарийб 65 фоизгача ўсишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармонида “қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тартибини қайта кўриб чиқиш ва етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш” бўйича қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига бир қатор вазифалар белгилаб берилган бўлиб, бу борада илмий тадқиқодлар кўламини кенгайтириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони ҳамда 2022 йил 7-июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-273 сонли, 2024 йил 24 июндаги “Иқлим ўзгаришига нисбатан барқарор агроэкологик яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқлим

¹ <https://agrovosti.net/lib/industries/beans/mirovoj-rynok-gorokha.html>

² <https://agroportal.ua/ru/publishing/infografika>

ўзгариши билан боғлиқ хавфларга мослашувчанлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-233 сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасидаги доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нўхат экинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғ экишнинг мақбул муддатлари, экиш схемалари ва кўчат қалинликлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини ўрганиш бўйича республикамиз олимларидан П.Ш.Шукуруллаев, И.Х.Ҳамдамов, З.Умаров, З.К.Юлдашева, З.С.Бобомуродов, Б.Т.Мавлонов, Г.К.Миршарипова, А.А.Абдиев, З.Р.Бобоқулов, Г.А.Хасанов, Э.З.Исақова, М.Ғайбуллаевалар хорижлик олимлардан В.Л.Поликарпов, А.В.Балашов, L.Taiz, E.Zeiger, B.Dahiya, X.Жумрани, К.К.Сидирова, N.I.Athour, M.F.Mosulem, G.M.Yakout, M.E.Zedan, A.Chozin ва E.Степановалар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Бирок, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида нўхат навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш тизими ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот режасининг 2020 йил 4-декабрдаги №1/16-1 сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Оч тусли бўз тупроқлар шароитида нўхатнинг экиш ва ўғит меъёрларининг дон ҳосилдорлигига таъсири” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари “Органо-минерал ўғитлар ва агрокимёвий ялпи таҳлиллар” лабараторияси иш дастури доирасида бажарилган (2021-2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида нўхатнинг Обод ва Полвон навларини ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларига экиш схемалари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларининг таъсирини илмий ва амалий жиҳатдан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: куйидагилардан иборат:

уруғ экиш меъёрлари ҳамда маъданли ўғитлар билан озиқлантириш миқдорларини нўхат навларининг дала унувчанлиги ва кўчат қалинлигига, илдиз тизимида туганак бактерияларнинг шаклланишига ҳамда ўсув даврининг давомийлигига таъсирини аниқлаш;

нўхат навларининг ўсиб ривожланишига, поя баландлигига, барг сатҳининг шаклланишига, биологик қуруқ масса тўпланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларининг жадаллигига уруғ экиш меъёрлари ҳамда маъданли ўғитлар билан озиқлантириш миқдорларининг таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш тизимлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини нўхат навларида ҳосил элементларининг шаклланишига, дон ҳосилдорлиги ва технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

нўхат навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда турли экиш меъёрларида ҳамда маъданли ўғитлар турли миқдорлари билан озиқлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари, нўхатнинг Обод ва Полвон навлари, экиш тизимлари, минерал ўғитлар меъёрлари олинган.

Тадқиқот предмети нўхат навлари уруғларини экиш тизимлари ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини уруғларнинг дала унувчанлиги ва кўчат қалинлигига, ўсиш ва ривожланиш даврининг давомийлигига, поя баландлиги ва шохланиш даражасига, барг сатҳининг шаклланиши ва биологик қуруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланиши, дон ҳосилдорлигига ва сифат кўрсаткичларига, иқтисодий самарадорлигига бўлган таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1971), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ, 2014), «Ўсимликшуносликда илмий тадқиқот ишлари» (ТошДАУ, 2014), «Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретения, рационализаторских предложений» (1987) услубий қўлланмалари асосида олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Microsoft Excel дастурлари ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмалари асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида нўхатнинг “Обод” ва “Полвон” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш тизими ва маъданли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари ишлаб чиқилган;

нўхат уруғларини 60x5x1 тизимда экиб етиштириш, уруғларни 60x10x1 тизимда экиб етиштиришга нисбатан кўчат қалинлигини амал даври бошида “Обод” навида 136,0-137,0 минг туп/га гача, “Полвон” навида 139,5-140,9 минг туп/га гача, уруғларни 60x15x1 тизимда экиб етиштиришга нисбатан кўчат қалинлигини амал даври бошида “Обод” навида 180,5-182,8 минг туп/га гача, “Полвон” навида 185,0-186,9 минг туп/га гача юқори бўлишини таъминлаши исботланган;

нўхат навлари уруғларини 60x5x1 тизимда экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантириш, маъданли

ўғитларнинг $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантга нисбатан бир тупда донлар сонини “Обод” навида 2,5 донагача, “Полвон” навида 2,1 донагача, донлар вазнини “Обод” навида 0,8 г. гача, “Полвон” навида 0,3 г. гача юқори бўлиши асосланган;

нўхат навларида дон ҳосилдорлиги билан биологик маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўртасида ўзаро корреляцион боғлиқлиги ўрганилганида, бир тупда донлар вазни ($r=0.3$) билан кучсиз даражада, бир туп ўсимликда шохлар сони ($r=0.6$) ва 1000 дона дон оғирлиги ($r=0.5$) билан ўрта даражада, бир тупда дуккаклар сони ($r=0.7$), донлар сони ($r=0.8$) ва дастлабки дуккаклар жойлашган ўрни ($r=0.7$) билан кучли даражада боғланишлар борлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нўхат навларида униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлиги бўйича юқори натижалар ўрганилганида, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларда кузатилиб, маъданли ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан уруғлар $60 \times 5 \times 1$ тизимда экилганда “Обод” навида 0,4 фоиздан 2,2 фоизгача, “Полвон” навида 0,4 фоиздан 2,0 фоизгача, уруғлар $60 \times 10 \times 1$ тизимда экилганда “Обод” навида 0,4 фоиздан 1,9 фоизгача, “Полвон” навида 0,5 фоиздан 1,9 фоизгача, уруғлар $60 \times 15 \times 1$ тизимда экилганда “Обод” навида 0,3 фоиздан 1,5 фоизгача, “Полвон” навида 0,3 фоиздан 1,4 фоизгача юқори бўлганлиги кузатилган;

нўхат навларини ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириш, $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан пишиш фазасида поя баландлиги “Обод” навида 10,6-11,1-12,3 см гача, “Полвон” навида 10,8-11,4-12,7 см гача, $N_{30}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан “Обод” навида 6,2-6,9-7,9 см гача, “Полвон” навида 6,5-7,7-8,3 см гача, $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан “Обод” навида 2,1-2,8-3,7 см гача, “Полвон” навида 2,3-3,3-4,4 см гача юқори бўлиши аниқланган;

нўхат навларини ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириш, $N_0P_{90}K_{60}$; $N_{30}P_{90}K_{60}$; $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантиришга нисбатан бир туп ўсимликда, $60 \times 5 \times 1$ экиш тизимида “Обод” навида дуккаклар сонини 0,9-4,1 донага, донлар сонини 1,2-8,0 донага, донлар вазнини 0,8-4,4 г га, “Полвон” навида дуккаклар сонини 1,1-4,0 донага, донлар сонини 1,5-8,4 донага, донлар вазнини 0,8-4,6 г га, $60 \times 10 \times 1$ экиш тизимида “Обод” навида дуккаклар сонини 1,5-5,5 донага, донлар сонини 1,7-9,6 донага, донлар вазнини 1,1-4,9 г га, “Полвон” навида дуккаклар сонини 1,9-5,9 донага, донлар сонини 1,9-9,8 донага, донлар вазнини 1,2-5,2 г га, $60 \times 15 \times 1$ экиш тизимида “Обод” навида дуккаклар сонини 1,9-6,5 донага, донлар сонини 2,0-10,3 донага, донлар вазнини 1,5-5,2 г га, “Полвон” навида бир туп ўсимликда дуккаклар сонини 2,1-6,6 донага, донлар сонини 2,4-10,5 донага, донлар вазнини 1,7-5,4 г га юқори бўлишини таъминлаши аниқланган;

нўхат навлари уруғлари 60x5x1 тизимда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёри билан озиқлантириш дон ҳосилдорлигини “Обод” навида 7,1 ц/га гача, рентабеллик кўрсаткичини 27,3 фоизгача, “Полвон” навида дон ҳосилдорлигини 6,3 ц/га гача, рентабеллик кўрсаткичини 22,8 фоизгача юқори бўлиши қайд этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация мавзуси бўйича хорижда ва республикамизда ўтказилган илмий ишларнинг таҳлили, хорижий ва маҳаллий илмий конференцияларда муҳокамадан ўтганлиги, ҳар йили ўтказиладиган апробациядан тажрибаларни услубий томондан тўғри бажарилганлиги, натижалар математик ва статистик дисперсион усулда таҳлил қилинганлиги; олинган натижалар ишлаб чиқариш тажрибалари синовидан ўтказилганлиги ҳамда Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда чоп этилганлиги илмий ишнинг ишончлилигини билдиради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида нўхатнинг “Обод” ва “Полвон” навлари уруғларини турли экиш тизимларида экиб, минерал ўғитларнинг турли меъёрларда қўллашнинг уруғларнинг дала унувчанлиги ва кўчат қалинлигига, ўсув даврининг давомийлигига, ўсиб ривожланишига, барг сатҳининг шаклланиши, биологик қуруқ масса тўплаши ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил элементларининг шаклланишига, дон ҳосилдорлигига ва сифат кўрсаткичларига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, нўхатнинг Обод ва Полвон навларини 60x5x1 тизимда экиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантириб етиштириш нўхат уруғларини 60x10x1 ва 60x15x1 тизимда экиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантириб етиштиришга нисбатан дон ҳосили Обод навида 11,0-14,0 ц/га, рентабеллик кўрсаткичи 37,5-48,7 фоизгача, Полвон навида дон ҳосили 10,6-13,9 ц/га, рентабеллик кўрсаткичи 33,7-46,1 фоизгача юқори бўлгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилояти шароитида нўхат навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш тизими ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Кластерлар ва фермер хўжаликлари учун «Қашқадарё вилояти шароитида нўхат етиштириш технологияси» номли тавсиянома ишлаб чиқилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024-йил 8-октябрдаги 05/05-02–864-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бугунги кунда кластерлар ва фермер хўжаликларида нўхатнинг Обод ва Полвон навларидан юқори ҳамда сифатли дон ҳосили етиштиришда муҳим кўрсатма бўлиб хизмат қилмоқда.

Нўхатнинг Обод ва Полвон навларини экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари ишлаб чиқариш шароитида Косон туманида жойлашган “Асли Нажим” фермер хўжалигида 3,2 гектар, “Косон” фермер хўжалигида 2,5 гектар, “Шарипов Ғайрат Орзиқулович” фермер

хўжалигида 2,0 гектар, “Ўлмасбек Нодир ўғли” фермер хўжалигида 2,8 гектар, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигида 3,5 гектар, “Қилич Аллаёров” фермер хўжалигида 4,0 гектар, Қарши туманида жойлашган “Ортиқов Носир Тожимуродивич” фермер хўжалигида 3,6 гектар, “Норов Мурод Қахрамонович” фермер хўжалигида 4,0 гектар, Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Қарши тажриба хўжалигида 5,0 гектар, вилоят бўйича жами 30,6 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024-йил 8-октабрдаги 05/05-02-864—сон маълумотномаси). Нўхат навлари уруғларини 60х5х1 (333,3 минг туп/га) тизимда экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган майдонлардан юқори самарадорликка эришилган.

Нўхатнинг Обод ва Полвон навлари уруғларини 60х5х1 (333,3 минг туп/га) тизимда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириш технологияси Косон ва Қарши туманларига жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024-йил 8-октабрдаги 05/05-02-864—сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш ҳисобида ҳар гектар майдондан Обод навида 25,9 ц/га, Полвон навида 27,3 ц/га дон ҳосили етиштирилганлиги аниқланиб, Обод навидан 87,2%, Полвон навидан 92,2% рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, республикада 3 та ва 1 та хорижий журналларда, шунингдек, 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши,

апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нўхат экиндан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларининг аҳамиятини ўрганиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида, нўхат экинининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи биотик ва абиотик омилларнинг таъсири, биологияси ва морфологияси, уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини ҳамда маъданли ўғитларни қўллаш меъёрларини ўсиши ва ривожланишига ва дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий томонлари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароити, тажриба олиб бориш усули ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот ўтказилган минтақанинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ хусусиятлари, ҳудуднинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар тўғрисида маълумотлар батафсил келтириб ўтилган.

Дала тажрибаларини бошлашдан олдин ҳар йили танлаб олинган даланинг шудгор ва шудгор ости қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, дастлабки агрохимёвий хусусиятлари аниқлаб борилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, (2021-2023 йй.) амал даври бошида тупроқнинг 0-30 см қатламида йиллар бўйича гумус миқдори 0,917-0,935-0,912 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,091-0,093-0,088 фоизни, фосфор 0,150-0,156-0,148 фоизни, тупроқнинг 30-50 см қатламида эса гумус миқдори 0,752-0,762-0,748 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,077-0,082-0,070 фоизни, фосфор 0,122-0,131-0,119 фоизни ташкил этганлиги аниқланган бўлса, ҳаракатчан шакллари ўрганилганида, тупроқнинг 0-30 см қатламида нитрат билан 15,83-16,05-15,55 мг/кг, ҳаракатчан фосфор билан 27,22-27,88-26,87 мг/кг, алмашинувчи калий билан 275-280-275 мг/кг миқдорида, тупроқнинг 30-50 см қатламида эса нитрат билан 13,44-13,62-13,28 мг/кг, ҳаракатчан фосфор билан 22,16-23,14-22,05 мг/кг, алмашинувчи калий билан 245-250-250 мг/кг миқдорида таъминланганлиги кузатилган.

Тажриба дала тупроқларининг дастлабки агрохимёвий таҳлилларига асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, ушбу дала тупроқлари озиқа элементлари билан кам даражада таъминланган дейиш мумкин.

Илмий-тадқиқот ишлари 2021–2023 йилларда Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтига қарашли тажриба хўжалигининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилиб, бунда нўхатнинг “Обод” ҳамда “Полвон” навларини ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига уруғларини экиш

тизимлари ва маъданли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларининг таъсири уч йил давомида ўрганилди.

1-жадвал

Тажриба олиб борилган далалар тупроғининг дастлабки агрохимёвий хусусиятлари

Йиллар	Тупроқ қатлами, см	Умумий шакллари, %			Харакатчан шакллари, мг/кг		
		Гумус	N	P	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
2021	0–30	0,917	0,091	0,150	15,83	27,22	275
	30–50	0,752	0,077	0,122	13,44	22,16	245
2022	0–30	0,935	0,093	0,156	16,05	27,88	280
	30–50	0,762	0,082	0,131	13,62	23,14	250
2023	0–30	0,912	0,088	0,148	15,55	26,87	275
	30–50	0,748	0,070	0,119	13,28	22,05	250

Тажриба 24 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда, бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенглиги 60 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 240 м², ҳисобга олинган майдон 120 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 1,8 га. Тажриба 3 йил давомида (ғўза – ғалла – дуккакли экин) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада нўхатнинг Давлат ресстрига киритилган “Обод” ва “Полвон” навлари экилди.

Тажрибада нўхат навлари уч хил (60x5-1; 60x10-1; 60x15-1) тизимда уч хил (333333 туп/га, 166666 туп/га, 111111 туп/га) кўчат қалинлигида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N₀P₉₀K₆₀, N₃₀P₉₀K₆₀, N₄₅P₉₀K₆₀, N₆₀P₉₀K₆₀ кг/га меъёрлари билан озиқлантирилди. Нўхат навларини озиқлантиришда, азотли ўғитлардан аммиакли селитра (N–34%), фосфорли ўғитлардан суперфос (P₂O₅–12–14%) ва калийли ўғитлардан калий хлор тузи (K₂O–50%) ишлатилди. Тажрибада фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100% миқдори кузда, шудгор остига қўлланилди.

Экиш билан бирга азотли ўғитларнинг йиллик меъёрини 15 фоизи қўлланилди. Азотли ўғитларнинг қолган қисми иккига бўлиб, 1–озиқлантириш шоналаш даврида 45 фоизи, 2–озиқлантириш дуккаклаш даврида 40 фоизи берилди.

Қолган агротехник тадбирлар диссертация иш дастурига мувофиқ равишда амалга ошириб борилди.

Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1989 й), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007 й) қўлланмалари асосида, олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубиёти бўйича амалга оширилган.


Диссертациянинг “Нўхат навларининг ўсиши, ривожланиши ва дон

ҳосилдорлигига уруғ экиш тизими ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири” деб номланган учинчи бобида нўхат навлари уруғларни экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларини кўчатларининг униб чиқишига ва кўчат қалинлигига, илдиз тизимида туганакларнинг шаклланишига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, ўсиб ривожланишига, барг сатҳининг шаклланишига, биологик қуруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланишига, дон ҳосилдорлигига ва донининг сифат кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган.

Экиш тизимлари ва минерал ўғитларни қўллаш меъёрларини кўчатларнинг униб чиқишига таъсири ўрганилганида, минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган назорат вариантыга нисбатан минерал ўғитларнинг $N_{30}P_{90}K_{60}$; $N_{45}P_{90}K_{60}$; $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда кўчатларнинг униб чиқиши нўхатнинг “Обод” нави уруғлари 60x5-1 тизимда экилганида 1,0 дона/пм дан 2,7 дона/пм гача, 60x10-1 тизимда экилганида 0,7 дона/пм дан 1,5 дона/пм гача, 60x15-1 тизимда экилганида 0,3 дона/пм дан 0,7 дона/пм гача, нўхатнинг “Полвон” нави уруғлари 60x5-1 тизимда экилганида 0,3 дона/пм дан 1,0 дона/пм гача, 60x10-1 тизимда экилганида 0,3 дона/пм дан 1,2 дона/пм гача, 60x15-1 тизимда экилганида 0,2 дона/пм дан 1,0 дона/пм гача юқори бўлганлиги кузатилган.

Амал даври охирига бориб, хақиқий кўчат қалинлиги вариантлар кесимида ўрганиб чиқилганида, уруғ экиш тизимлари ҳамда озиклантириш учун қўлланилган минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилиб, минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган назорат вариантыга нисбатан минерал ўғитларнинг $N_{30}P_{90}K_{60}$; $N_{45}P_{90}K_{60}$; $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда кўчат қалинлиги нўхатнинг “Обод” нави уруғлари 60x5-1 тизимда экилганида 3,3 дона/пм дан 8,7 дона/пм гача, 60x10-1 тизимда экилганида 2,5 дона/пм дан 4,2 дона/пм гача, 60x15-1 тизимда экилганида 1,1 дона/пм дан 2,0 дона/пм гача, нўхатнинг “Полвон” нави уруғлари 60x5-1 тизимда экилганида 3,4 дона/пм дан 5,3 дона/пм гача, 60x10-1 тизимда экилганида 0,9 дона/пм дан 2,6 дона/пм гача, 60x15-1 тизимда экилганида 1,0 дона/пм дан 1,7 дона/пм гача юқори натижа кўрсатганлиги аниқланган.

Униб чиққан кўчатларнинг амал даври охиригача яшовчанлиги аниқланганида ҳам юқоридаги қонуниятлар ўз исботини топиб, минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган назорат вариантыга нисбатан минерал ўғитларнинг $N_{30}P_{90}K_{60}$; $N_{45}P_{90}K_{60}$; $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда юқори натижалар кузатилиб, нўхатнинг “Обод” нави уруғлари 60x5-1 тизимда экилганида 1,1 фоиздан 2,2 фоизгача, 60x10-1 тизимда экилганида 0,9 фоиздан 1,9 фоизгача, 60x15-1 тизимда экилганида 0,7 фоиздан 1,5 фоизгача, нўхатнинг “Полвон” нави уруғлари 60x5-1 тизимда экилганида 1,0 фоиздан 2,0 фоизгача, 60x10-1 тизимда экилганида 0,8 фоиздан 1,9 фоизгача, 60x15-1 тизимда экилганида 0,6 фоиздан 1,4 фоизгача юқори бўлганлиги қайд этилган.




1-расм. Уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини нўхат навларининг кўчат қалинлигига таъсири.

Нўхат навлари илдиз тизимида туганак бактерияларининг шаклланишига уруғ экиш муддатлари ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири вариантлар кесимида таҳлил қилинганда юқори натижалар уруғлар 60x15-1 тизимда экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 60x10-1 ва 60x5-1 тизимда экилган вариантларга нисбатан минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда нўхатнинг “Обод” навида шохланиш фазасида 1,9-3,1 дона/туп, шоналаш фазасида 1,2-2,7 дона/туп, гуллаш фазасида 1,9-2,5 дона/туп, дуккаклаш фазасида 1,5-3,0 дона/туп, нўхатнинг “Полвон” навида шохланиш фазасида 1,8-2,9 дона/туп, шоналаш фазасида 1,2-2,5 дона/туп, гуллаш фазасида 2,0-2,7 дона/туп, дуккаклаш фазасида 1,3-3,0 дона/туп, минерал ўғитларнинг $N_{30}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда нўхатнинг “Обод” навида шохланиш фазасида 2,3-3,4 дона/туп, шоналаш фазасида 2,4-4,4 дона/туп, гуллаш фазасида 2,6-5,1 дона/туп, дуккаклаш фазасида 4,4-6,6 дона/туп, нўхатнинг “Полвон” навида шохланиш фазасида 2,5-3,5 дона/туп, шоналаш фазасида 2,0-4,3 дона/туп, гуллаш фазасида 3,1-5,8 дона/туп, дуккаклаш фазасида 4,3-6,5 дона/туп, минерал ўғитларнинг $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда нўхатнинг “Обод” навида шохланиш фазасида 3,4-4,4 дона/туп, шоналаш фазасида 2,2-5,8 дона/туп, гуллаш фазасида 3,3-6,5 дона/туп, дуккаклаш фазасида 3,5-7,3 дона/туп, нўхатнинг “Полвон” навида шохланиш фазасида 3,6-4,6 дона/туп, шоналаш фазасида 2,2-6,0 дона/туп, гуллаш фазасида 3,2-6,9 дона/туп, дуккаклаш фазасида 3,7-7,5 дона/туп, минерал ўғитларнинг $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда нўхатнинг “Обод” навида шохланиш фазасида 2,1-3,3 дона/туп, шоналаш фазасида 2,3-3,7 дона/туп, гуллаш фазасида 3,7-5,4 дона/туп, дуккаклаш фазасида 3,2-5,1 дона/туп, нўхатнинг “Полвон” навида шохланиш фазасида 2,1-3,3 дона/туп, шоналаш фазасида 1,9-3,7 дона/туп, гуллаш фазасида 3,8-5,6 дона/туп,

дуккаклаш фазасида 3,5-5,2 дона/туп гача юқори бўлганлиги кузатилган.

Нўхат навларининг ривожланиш фазалари кесимида поя баландлиги ўрганиб чиқилганида, уруғ экиш тизимлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири сезиларли бўлганлиги аниқланди.



2-расм. Нўхат навларининг поя баландлигига уруғ экиш тизимлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, тажриба вариантларида поя баландлиги бўйича юқори кўрсаткичлар ҳар икки навда ҳам уруғларни 60x5-1 тизимда экилган вариантларда аниқланиб, уруғлар 60x10-1 ва 60x15-1 тизимда экилган вариантларга нисбатан нўхатнинг “Обод” навида ўсув даврида минерал ўғитларнинг N₀P₉₀K₆₀ кг/га меъёрлари қўлланилганда шонаяш фазасида 1,7-2,3 см, гуллаш фазасида 1,0-1,7 см, дуккаклаш фазасида 3,3-4,3 см, пишиш фазасида 3,3-4,4 см, минерал ўғитларнинг N₃₀P₉₀K₆₀ кг/га меъёрлари қўлланилганда шонаяш фазасида 2,4-2,9 см, гуллаш фазасида 1,3-2,4 см, дуккаклаш фазасида 3,6-4,5 см, пишиш фазасида 3,5-4,4 см, минерал ўғитларнинг N₄₅P₉₀K₆₀ кг/га меъёрлари қўлланилганда шонаяш фазасида 2,6-3,3 см, гуллаш фазасида 1,3-2,6 см, дуккаклаш фазасида 3,6-4,6 см, пишиш фазасида 3,6-4,5 см, минерал ўғитларнинг N₆₀P₉₀K₆₀ кг/га меъёрлари қўлланилганда шонаяш фазасида 3,1-4,3 см, гуллаш фазасида 2,2-4,0 см, дуккаклаш фазасида 4,5-6,2 см, пишиш фазасида 4,5-6,1 см гача, нўхатнинг “Обод” навида ўсув даврида минерал ўғитларнинг N₀P₉₀K₆₀ кг/га меъёрлари қўлланилганда шонаяш фазасида 1,8-2,2 см, гуллаш фазасида 0,9-1,8 см, дуккаклаш фазасида 3,0-4,2 см, пишиш фазасида 3,0-4,3 см, минерал ўғитларнинг N₃₀P₉₀K₆₀ кг/га меъёрлари қўлланилганда шонаяш фазасида 2,4-2,6 см, гуллаш фазасида 1,3-2,4 см, дуккаклаш фазасида 3,6-4,4 см, пишиш фазасида 3,7-4,4 см, минерал ўғитларнинг N₄₅P₉₀K₆₀ кг/га меъёрлари қўлланилганда шонаяш фазасида 2,6-2,9 см, гуллаш фазасида 1,3-2,8 см, дуккаклаш фазасида 3,2-4,1 см, пишиш фазасида 3,2-4,1 см, минерал


ўғитларнинг $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда шоналаш фазасида 3,1-4,1 см, гуллаш фазасида 2,1-4,2 см, дуккаклаш фазасида 4,5-6,2 см, пишиш фазасида 4,3-6,2 см гача юқори бўлганлиги кузатилди.

Нўхат навларида барг сатҳининг шаклланиши, биологик қуруқ масса тўплаши ҳамда фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичлари вариантлар кесимида ўрганилганида ҳам юқоридаги қонуниятлар такрорлангани ҳолда юқори натижалар уруғлар $60 \times 5-1$ тизимда экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар $60 \times 10-1$ ва $60 \times 15-1$ тизимда экилган вариантларга нисбатан дуккаклаш фазасида барг сатҳи нўхатнинг “Обод” навида ўсув даврида минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,6-1,0 м²/га, $N_{30}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,8-0,9 м²/га, $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,8-0,9 м²/га, $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,8-0,9 м²/га, нўхатнинг “Полвон” навида ўсув даврида минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,6-1,0 м²/га, $N_{30}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,8-0,9 м²/га, $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,8-0,9 м, $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,8-0,9 м²/га гача юқори бўлганлиги кузатилган бўлса, навларнинг биологик қуруқ масса тўплаши пишиш фазасига бориб, “Обод” навида ўсув даврида минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 1,8-2,4 ц/га, $N_{30}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 2,1-2,6 ц/га, $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 2,4-2,6 ц/га, $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 2,4-2,7 ц/га, нўхатнинг “Полвон” навида ўсув даврида минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 1,8-2,6 ц/га, $N_{30}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 2,0-2,8 ц/га, $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 2,2-3,0 ц/га, $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 2,3-3,1 ц/га гача юқори натижа олинганлиги қайд этилган.

Нўхат навларининг фотосинтез соф маҳсулдорлиги ривожланиш фазалари кесимида ўрганиб борилганида ҳам юқори натижалар уруғларни $60 \times 5-1$ тизимда экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар $60 \times 10-1$ ва $60 \times 15-1$ тизимда экилган вариантларга нисбатан ривожланиш фазалари бўйича фотосинтез соф маҳсулдорлигининг ўртача кўрсаткичлари нўхатнинг “Обод” навида ўсув даврида минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,8-1,0 г/м²/кунга, $N_{30}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,9-1,1 г/м²/кунга, $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 1,0-1,2 г/м²/кунга, $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 1,2-1,4 г/м²/кунга, нўхатнинг “Полвон” навида ўсув даврида минерал ўғитларнинг $N_0P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,8-1,0 г/м²/кунга, $N_{30}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 0,9-1,1 г/м²/кунга, $N_{45}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 1,0-1,2 г/м²/кунга, $N_{60}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда 1,2-1,4 г/м²/кунга юқори бўлганлигини ифодалаш мумкин..

Нўхат навларида ҳосил элементларининг шаклланишига уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири вариантлар кесимида таҳлил қилиб чиқилганида, юқори натижалар уруғларни $60 \times 15-1$ тизимда экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар $60 \times 10-1$ ва $60 \times 5-1$ тизимларда экилган вариантларга нисбатан нўхатнинг “Обод” навида ўсув

